

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил 7 июль куни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Н.Ашуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Туйчиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрисабз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Рўзиев, судланувчи И.Б. унинг ҳимоячиси-адвокат З.Бекмуродова ҳамда жабрланувчи З.Анинг иштирокида, Б И Ста оид х-xxxx-xxxx/XXX-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Б И С - XXXX йил 20 январь куни Чироқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, турмуш ўртоғи билан ажрашган, уч нафар фарзанди бор, депутатликка саган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2018 йил 11 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан 1 йил 6 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2018 йил 17 июлдаги ажримига кўра, ЖК 46-моддасининг 4-қисмига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2019 йил 5 мартдаги ажримига кўра ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 16 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг 2019 йил 12 июлдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддасига кўра ўталмай қолган 1 йил 1 ой 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2019 йил 18 декабрдаги ажримига кўра ЖК 46-моддасининг 4-қисмига асосан ўталмай қолган 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2020 йил 9 апрелдаги ажримига кўра ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 8 ой 2 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2023 йил 16 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан ЖК 57,62-моддаларига асосан 2 йил 11 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2025 йил 1 апрелдаги ажримига асосан 1 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан шу



муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ўталмай қолган жазоси 1 йил 1 ойни ташкил қилади, Чирокчи тумани, “К” МФЙ, К қишлоғида яшаган, 2025 йил 1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 221-моддаси тартибида ушланиб, 2июнь куни озод қилинган, 2025 йил 2 июнь куни ЖПК 221-моддаси тартибида ушланган, 2025 йил 3июнь куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 12июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, дастлабки тергов ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

#### а н и қ л а д и :

И.Б хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2025 йилнинг 18 май кунидан 19 май кунига ўтар кечаси соат 02-20 ларда, Шаҳрисабз шаҳар “К” МФЙ, И.Й кўчасида жойлашган “Я.К” деҳқон бозоридаги “А З.Н” ЯТТ номига расмийлаштирилган “С.С” номли озиқ-овқат савдо дўконига бориб, савдо дўкон эшиги орқали ғайриқонуний равишда савдо дўкон ичкарасига кириб, савдо дўкон кассасидан 3.000.000 сўм пулларини, (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг давлат курси бўйича 1 АҚШ доллари 12606.73 сўм жами Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 1.260.673 сўмга тенг бўлган) 100 АҚШ долларини, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар ышл соатини ҳамда 300.000 сўмлик повербанк зарядлагич қурилмасини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида И.Бдан З.Ага тегишли 120.000 сўм тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

И.Б ушбу жинойий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилган.

Судланувчи И.Б судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2025 йил май ойининг бошларида ишлаш ва пул топиш мақсадида Шаҳрисабз шаҳридаги мардикор бозорига келиб, кунлик одамларни уйида қурилиш таъмирлаш ишларида ишлаб келгани, 2025 йил 18 май куни Шаҳрисабз шаҳар “У” МФЙ а йўл кўчасида жойлашган мардикор бозорига боргани, лекин шу куни иш тополмасдан бир савдо дўконидан ароқ ичиб, кун давомида шаҳарда бўлгани, маст бўлгани сабабли қаергадир ухлаганини, нима бўлганини билмаслиги, 19 май кунига ўтар кечаси соат 2 ларда Шаҳрисабз шаҳридаги Агробанк олдидан ўтиб, “ЯнгиК” деҳқон бозори орқасидаги савдо дўконлар олдида боргани, пул керак бўлгани сабабли бирор бир савдо дўкондан ўғирлик учун кирмоқчи бўлиб, йўлдан бир дона темир алматура бўлагини олиб, бир савдо дўкон



олдига бориб, унинг эшик қисмига очиш учун алматуруни тикиб, ўзига қаратиб тортганида дўкон эшиги очилиб кетгани, дўконда ведиокузатув камераси борлигини кўриб, юзини эгнида бўлган қора рангли футболка билан яшириб, савдо дўкон ичига кириб, ўнг томонда стол ва кассаси ичига қараб, касса ичидан тахланмаган пулларни олиб, кўчага чиқиб, эшикни ёпиб, Шаҳрисабз шаҳар “С” МФЙ томонга бориб, кўчага ухлаш учун ётгани, у савдо дўкондан ўғирлаган пулларига ароқ ичиб, овқатланиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, ушбу пулни 60.000 сўмига Таянч эҳтиёт қисмлари бозоридан бир дона футболка ҳам сотиб олгани, 2025 йил 1 июнь куни Шаҳрисабз шаҳар “У” МФЙ А йўл кўчасида жойлашган мардикор бозорида иш излаб турган вақтида Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ходимлари келиб, юқорида содир бўлган ўғирлик ҳақида сўраганида у ҳақиқатдан ҳам ушбу ўғирликни содир қилганини айтгани ва ўғирланган пулдан қолган 120.000 сўм пулларни ва бир дона футболкани тақдим қилгани, 2025 йил 18 май кунидан 19 май кунига ўтар кечаси З.Анинг савдо дўкони кассасидан тахланмаган пулларни олиб, чўнтагига солиб, савдо дўкондан чиқиб кетиб, пулларни санаб кўрганида 800.000 сўм чиққани, шундан бошқа бирор нарса ўғирламагани, З.А айтганидек савдо дўконидан 3-4 млн сўм пул, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик соат ва бир дона бозор баҳоси 300.000 сўмлик повербанк қурилмаси ўғирламагани, ушбу ўғирликка бирор бир киши ёрдам бермагани, З.Анинг эрини олдин кўргани, у ҳам бирга мардикор бозорида ишлаб келгани, бироқ у З.Анинг эри эканлигини тергов даврида билгани, З.Анинг савдо дўконига ўғирлик учун кирган вақтида жинси шими, қора рангли футболкаси ва бир дона қора рангли кепкаси бўлгани, шундан бошқа кийимлари бўлмагани, қилган ишидан ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, қонуний енгилликлар беришни сўради.

Жабрланувчи З.А судда мобиль конференцалоқа тизимида кўрсатув бериб, Шаҳрисабз шаҳар “К” МФЙ, И.Й кўчасида жойлашган “Я.К” деҳқон бозори орқасида жойлашган савдо дўконига озиқ овқат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келиши, 2025 йил 18 май куни у Шаҳрисабз шаҳар “К” МФЙ, И.Й кўчасида жойлашган “Я.К” деҳқон бозори орқасида жойлашган савдо дўконига бормагани, шу куни қайнукаси Шерзод ва қизи Садоқат савдо дўконда савдо сотиқ ишлари билан шуғулланиб, соат 19 ларда савдо сотиқ ишларни тугатиб, пулларини кассада олмасдан қолдириб кетишгани, эрталаб соат 7 ларда Шерзод унга кўнғироқ қилиб, савдо дўконга келган ёки келмаганини сўраганида унда савдо дўкони калити йўқлигини, унда ва қизида калитлар борлигини айтгани, шунда у савдо дўконга номаълум шахслар ўғирлик учун кириб, савдо дўкон кассасида бўлган пулларни ўғирлаб кетганини айтгани, у савдо дўконга бориб, атрофни ва ведиокамера ведиоёзувларини кўздан кечирганида 2025 йил 18 май кунидан 19 май кунига ўтар кечаси, соат 2-20 да номаълум шахс юз қисмини яшириб, савдо дўкон эшик қисмини бузиб кирганини, кассада бўлган пулларни олиб, савдо дўкондан чиқиб кетганини билгани, у Шерзод ва қизи билан ўғирланган нарсаларни кўздан кечиришганида дўконда савдо сотиқдан тушган 3 ёки 4 млн. сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик



эркаклар соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирланганини билиб, Шахрисабз шаҳар ИИБга мурожаат қилгани, шундан сўнг мазкур жиноятни ИЮБ содир қилганлиги аниқланган, дўкондан 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар қўл соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирланганини аниқ билишини, бироқ нақд пуллар тахминан 3 ёки 4 млн. сўмни ташкил қилишини, шу сабабли И.Бдан етказилган зарарни ундириб бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Ш.Қ судда, судланувчи Ш.Бни танимаслиги ва илгари кўрмагани, 2025 йилнинг 18 май куни Шахрисабз шаҳар “К” МФЙ, И.Й кўчасида жойлашган “Я.К” деҳқон бозори орқасида жойлашган “А З.Н” ЯТТга қарашли савдо дўконга бориб, З.Анинг қизи С.Махмудова билан савдо қилгани, лекин янгаси З.А савдо дўконга келмагани, улар кун давомида савдо дўконда савдо қилишиб, соат 19 ларда савдо сотиқ ишларни тугатиб, савдо дўкон эшигини қулфлаб, уйларига кетишгани, савдо дўконда савдо сотиқ қилинган пуллар яъни 3 ёки 4 млн. пуллари ва бир дона 100 АҚШ доллари савдо дўкон кассасига қолгани, 2025 йил 19 май куни соат 7 ларда савдо дўконга келиб, эшикни очиб, эшик олд қисмида тахланган нарсаларни кўчага олиб чиқиб, савдо сотиқ ишларини бажариб, савдо дўконга мижозлар келгани сабабли уларга нарсаларни сотиб, пулларни олиб, кассага солмоқчи бўлганида кассада пуллар йўқлигини билиб, янгаси З.Ага қўнғироқ қилиб, савдо дўконга келиб, кассадан пулларни олган ёки олмаганини сўраганида у киши пулларни олмаганини ва савдо дўконга келмаганини айтгани, шундан кейин дўкондаги ведиокузатув камераларини ёзувларини кўрганида 2025 йил 18 май кунидан 19 май кунига ўтар кечаси номаълум шахс савдо дўкон эшик қисмини очиб кириб, кассадан пулган пул ва бошқа турдаги нарса ва буюмларни ўғирлаб савдо дўкондан чиқиб кетганини кўргани, янгаси З.А ва қизи Сабина билан ўғирланган нарсаларни кўздан кечиришганида савдо дўконда савдо сотиқдан тушган 3 ёки 4 млн сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирланганини билиб, Шахрисабз шаҳар ИИБга мурожаат қилгани, ушбу ўғирлик жиноятини И.Б содир қилганлиги аниқлангани ҳақида кўрсатув берди.

Гарчанд судланувчи И.Б судда ва тергов давридаги савдо дўкони кассасидан тахланмаган пулларни олиб, чўнтагига солиб, савдо дўкондан чиқиб кетиб, пулларни санаб кўрганида 800.000 сўм экани, шундан бошқа бирор нарса ўғирламагани, З.А айтганидек савдо дўконидан 3-4 млн сўм пул, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик соат ва бир дона бозор баҳоси 300.000 сўмлик повербанк қурилмаси ўғирламагани берган кўрсатувларини, жабрланувчи З.Анинг мобиль конференцалоқа тизимидаги дўконда савдо сотиқдан тушган 3 ёки 4 млн. сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирлангани ҳақидаги;

Гувоҳ Ш.Қ суддаги савдо дўконда савдо сотиқдан тушган 3 ёки 4 млн сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирлангани ҳақидаги кўрсатувлари



билан рад қилиб, судланувчи И.Бнинг мазкур кўрсатувларини жабрланувчига етказилган зарарни қоплашдан бўйин тошлаш мақсадида ўйлаб топилган важлар деб баҳолашни лозим топди.

Судланувчи И.Бнинг айби жиноят ишидаги ёзма далиллар, хусусан ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар; тақдим қиланган нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва илова бир дона диск, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Бнинг жиноий ҳаракатлари хавфли рецидивист бўлган ҳолда ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш белгиларига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида, хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бирок, судланувчи И.Б Конституциянинг ушбу нормасига амал қилмасдан, жабрланувчи З.Анинг мулк ҳуқуқларини бузиб, уларнинг мол-мулкларини яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги, ушбу Кодекснинг 8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи И.Бга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб, унинг айбига иқдор ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган бўлсада, қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, шунингдек, етказилган зарарлар қопланмаганлигини, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатларни, судланувчининг шахси, жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атворини, яъни илгари ҳам ўғирлик жиноятини содир этган бўлсада, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, тузалиш йўлига кирмасдан худди шу турдаги қасддан ўғирлик жиноятини содир этганлигини инobatга олиб, жазолашдан кўзланган мақсадга айбланаётган моддада назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмади деган хулосага келиб, унга нисбатан оғирроқ жазо, яъни модда санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61-моддаларига асосан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2023 йил 16 августдаги ҳукми билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Қамашли туман судининг 2025 йил 1 апрелдаги ажримига асосан ЖК 74-моддасига асосан алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташи учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 62-моддасига асосан ушлаб турилган вақтини тайинланган жазо муддатидан чегиришни эҳтиёт чорасини аслича қамокда қолдиришни лозим топди.

Суд, жабрланувчи З.Ага етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб қуйидагича хулосага келди:

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Б З.Ага қарашли савдо дўконидан 4.000.000 сўм пулларини, 1.291.710 сўмга тенг бўлган 100 АҚШ долларини, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар соатини ҳамда 300.000 сўмлик повербанк зарядлагич қурилмасини ўғирлаганликда айбланган.

Бироқ, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи З.А ҳамда гувоҳ Ш.Қ судда савдо дўконда савдо сотиқдан тушган 3 ёки 4 млн. сўм пуллар, 100 АҚШ доллари, бир дона бозор баҳоси 200.000 сўмлик эркаклар соати ҳамда 300.000 сўмлик повербанк ўғирлангани ҳақидаги кўрсатув беришган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 3-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Шу сабабли суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Б З.Ага қарашли савдо дўконидан 4.000.000 сўм пулларини ўғирлаганлиги ҳақидаги айбловдаги шубҳаларни судланувчи И.Бнинг фойдасига ҳал қилиб,



мазкур айбловни И.Б З.Ага қарашли савдо дўконидан 3.000.000 сўм пулларини ўғирлаган деб ўзгартиришни лозим топди.

Бунда ташқари суд, 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 2025 йил 7 июль куни 12.606,73 сўмни ташкил қилганлиги боис И.Б томонидан ўғирланган 100 АҚШ долларини 1.260.673 сўм қийматда баҳолашни лозим топди.

Шунингдек суд, дастлабки тергов жараёнида И.Бдан ашёвий далил сифатида олинган 120.000 сўм пуллар жабрланувчи З.Ага тилхат орқали қайтарилганлигини эътиборга олишни лозим топди.

Суд юқоридагиларни эътиборга олиб, судланувчи И.Бдан жабрланувчи З.Анинг фойдасига 4.640.673 сўм ундиришни лозим топди.

Шу билан бирга суд, ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида олинган 120.000 сўм пуллар жабрланувчи З.Ага тилхат орқали қайтарилганлиги қайд этишни, ашёвий далил - бир дона футболкани судланувчи И.Бнинг отаси Б С.Бга қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

#### ҳ у к м қ и л д и:

Б И С - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 (беш) йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 60,61-моддаларига асосан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2023 йил 16 августдаги ҳукми билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2025 йил 1 апрелдаги ажримига асосан ЖК 74-моддасига асосан алмаштирилган 1 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташи учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан 2025 йил 1 июнь кунидан 2 июнь кунига қадар бир кун ушлаб турилган вақти тайинланган жазо муддатидан чегирилиб, ўташ учун 5 (беш) йил 29 (йигирма тўққиз) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 2 июндан ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси аслича қамокда қолдирилсин.

Судланувчи И.Бдан жабрланувчи З.Анинг фойдасига 4.640.673 сўм ундирилсин.



Ашёвий далил сифатида олинган 120.000 сўм пуллар жабрланувчи З.Ага тилхат орқали қайтарилганлиги қайд этилсин.

Ашёвий далил - бир дона футболка судланувчи И.Бнинг отаси Б С.Бга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган важабрланувчиэса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ашуров

